

Х У Ш Б О Қ Р А Ҳ И М

**КЎЗДАГИ
ҚИЁФА**

Достонлар

**Тошкент
«Янги аср авлоди»
2005**


84(5У)6-5 Бадийий адаби
Достон:

Қўлингиздаги ушбу китоб «Қораммо ҳикматлари», «Кўндалангйўл», «Кўздаги қиёфа» достонларидан иборат.

«Қораммо ҳикматлари» достонида мома чайласи атрофидаги воқелик мисолида инсоний тушунчалар ҳақида сўз юритилади. «Кўндалангйўл» достонида хиёнат жазоланиб, адолат мукофотланадиган ҳадим йўл хосиятлари ривоятларга хос ҳикоя қилинади. «Кўздаги қиёфа» достонида аёл шаъни улуғланиб, уни паймол қилганларнинг руҳияти, ҳаёти куйинчаслик билан тасвирланади. а

Достонлар сизни бепарқ қалдирмайди, деган умиддамиз.

Ю 32024
081



ISBN 5-633-014833-8

© Хушбоқ Раҳим «Кўздаги қиёфа».
«Янги аср авлоди», 2005 йил.

ҚОРОМОМО ҲИКМАТЛАРИ

Ҳақиқатдан сўзласам агар,
Ривоятга ўжшаб кетади.
Ёлғон айтсам, унсурдош вужуд
Суякларим қақшаб кетади.
Қоромомо қиссагўй, ҳаёт
Ўтган ҳар дам, қайта исталар.
Шунча соғинч, шундай жумордан
Тарс ёрилди хандон писталар.
Тонгдан тошга топинди каклик,
Атроф жим-жит, жовдиради чил.
Гоургонда мор билан қоплон,
Мавжуд жондор оҳудай эпчил.
Товуслардай товланди тепа,
Тепалардан малоҳат кетмас.
Қоромомо этагида гул,
Бандасининг ҳисоби етмас.
Боботордай қуёшли Сурхон,
Кўнгил кўпдан қониб турибди.
Мени жигар, жигарларимдай
Еру осмон таниб турибди.
Қоромомо иссиқ кафтидан
Жисмим лов-лов ёнса, не ажаб.
Ғалим келди, қувонч ёшимдан
Жулдир фалак қонса, не ажаб.
Сув ҳам тупроқ менга танамдай,
Қоплон, морнинг тутдим бошини.
Еру қуёш кўрмасин дедим
Йўқотишлар аччиқ ёшини.
Бирлик билан боғланди кенглик,

Кўнглим ўқи нишонга етди.
Тонгдай ўлжам қороз кўксига
Қалбим, дардим тўкилиб кетди.
Қорозларга қадалган кўзлар,
Юрак сиздан кутганда инсоф.
Томирдошу жондош одамлар,
Ёқангиздан тутганда инсоф.
Қоромомо қирларидан мен
Дарё мисол тошиблар кетдим.
Оқибатни елкалаб, тонгдай
Қирдан-қирга ошиблар кетдим.
Қайга етмас куннинг қадами,
Кечалари тонгни кутмас ким.
Ҳаяжондан ҳайқирдим, ҳаёт,
Боботондан буюклик, мулким.

I

Қирдан-қирга қушдай учдим,
Равнақ тилаб тупроқ рангидан.
Ҳар қадамнинг қалами ҳикмат,
Қоялар мўрт рафлат зангидан.
Тўқнашганим қиш эмас, баҳор,
Тик қоялар бахмал тўн кийди.
Лекин дами кўксида пинҳон,
Қаттиқ тошни сукунат ейди.
Кўксултондай ичи-ичидан
Пинҳона дард бир кун пишади.
Беҳаракат зотлар бошига
Харсангтошнинг куни тушади.
Харсангтош, эҳ, қулади сойга,
Қоя мағрур, боқмас қайрилиб.

Бежунбишу бежунар харсанг
Сойда қолди қирдан айрилиб.
Силжиган йўқ, харсанг жойидан
Унинг энди ҳоли жуда танг.
Ўйнаб-ўйнаб унинг бошида
Қўниб учди дунё-дунё чанг.
Қай бир қисми чавандоз мисол
Киприқларда дунёни кезди.
Бемужоҳид, совуқ харсангтош
Ёш гиёҳлар кўксини эзди.
Зирқиради уларга жоним
Шафқат тилаб еру самодан.
Харсангтошнинг тагидагилар
Нажот кутди Қоромодан.

II

Қирдан-қирга қушдай учдим,
Ер айланди илдизда нам.
Тирик зотга зеҳним тушди,
Зуваладош, улар одам.
Сўқмоқларга изим тушди,
Пасту баланд кутиб турди.
Арча, писта нозик илдиэ
Қояларни тутиб турди.
Оппоқ тонгдан морхўр¹, оху
Қўштомирдай топишдилар.
Қанот қоқди, каклигу чил
Жайра, қуён чопишдилар.
Қоплон кўзи кўзларимда

¹ Морхўр – бурама шохли тоғ эчкиси.

Киприк қоқсанг ташланади.
Гоургон нақд шолипоя,
Бақа базми бошланади.
Зуваладош бақа ҳам мор
Кобра, кўлвар чирилайди.
Тупроқ, сувнинг ороми йўқ,
Юрак қушдай пирилайди.
Қоромомо менинг билан
Боботовда кезиб чикди.
Ўлжага ўч қайбир жонзот,
Кам кучини эзиб чикди.
Жонзот тирик – ўлмас она,
Зурриёт кўп – мода ё нар.
Бири аччиқ, бири ширин,
Бири малҳам, бири заҳар.
Сут эмизгай қайси бири,
Сувдагиси баҳайбат кит.
Қуруқликда бири илон,
Бири қоплон, бириси ит.
Қоялардан кузатдим кўп,
Иликни қуш қоқиб учди.
Қайси бири, қай бирининг
Тужумини чақиб учди.
Кулча-кулча илончадай
Зарпечакдан ҳаёт толди.
Қай бир зотда алмашув йўқ,
Оёқда тик қуриб қолди.
Емхўр, асов, айғир отлар
Арқонини узди сувсиз.
Кенг яйловда семиз сизир
Дирдовини сузди сувсиз.

Арғимчиқсой² орқасида
Лочин кунда каклик тутди.
Гоургонда кўрдим аждар,
Ўлжасини тирик ютди.
Балиқ, сувдан гап очмайман,
Қаттиқ кураш, қизиқ дунё.
Яралгандан ҳозиргача
Бир кам, росту ёлгон дунё.
Бир жой муздир, бир жой олов,
Кушанда кўп, соқчи ҳам бор.
Ҳаммасида алмашинув,
Ҳаммасида кураш такрор.
Қушу ҳайвон, тупроқ бесув
Ҳаёт мушкул, аянч деди.
Чаман, чечак, писта, бодом
Қоромомо таянч деди.
Чумолининг мақтови зўр
Қанотлидан асалари.
Туяқушдан пашшагача
Ҳаракатдан тирик бари.
Балки бир хил нафаси ҳам,
Улар билан бекам дунё.
Тиними йўқ шомдан-шомга
Уларга жой Бисмиа қия³.
Дарахтларда қуртлар ини,
Имкон ортга қайрилмайди.
Томирлардан наму тупроқ,

² Арғимчиқсой – Боботортадаги сой ва қадимий йўл номи.

³ Бисмиа қия – Боботортадаги жой номи.

Танадан барг айрилмайди.
Кўп гапирдим бору йўқдан
Жавоҳир⁴ шу тимсол етгай.
Ҳаракатдан тўхтаса гар,
Илдизлар ҳам чириб кетгай.

III

Баланд-баланд тик қоядан
Тўрт томонга тик қарадим.
Одамларда, чанқоқ кўзда,
Дунёларда дунё дардим.
Ернинг усти кўзда кўзгу,
Киприк тошга қадалгандай.
Боботоғим, менда Ватан
Қалбим унда учмоққа шай.
Қушдай учмоқ осон эмас,
Жон ҳам ширин, имкон кутди.
Айни саҳар Қоромомо
Қўлларимга патта тутди.
Ер юзида қанча одам,
Имкон қанча, хаёл дейман.
Мавжуд жонга эту тирноқ,
Она, Онам, аёл дейман.
Қоя, тошда қолдим кеча,
Юлдуз, ойдай хобим йўқ.
Юрак отдай ўйноқлади,
Тўхтамоққа тобим йўқ.
Дунё келди, қопталимда
Берганларин камладим мен.

⁴ Жавоҳир – асос, моҳият маъносида.

Паст-баландни тонгдай тутиб
Кекса-ёшни жамладим, мен.
Фафлат, ғам ҳам узоқлашди,
Ухламадим, кеча тунда.
Атрофимга чорладим мен,
Тирик зотнинг бари шунда.
Илдиз, бошга қарадим тик,
Тупроқ синчу хона дедим.
Тонгдай уйроқ Қоромомо,
Боботоққа она дедим.
Қоялардан-қояларда
Туйғу, писта, бодом тердим.
Юраги йўқ тирик зотта
Юрагимни бўлиб бердим.

IV

Гап очганди Ҳасан ака⁵,
Жигарларим, қана⁶, деди.
Оқил ўғлим Еру кўкка
Қоромомо она, деди.
Зокир кулди, кўзим ёши
Томди, қиру тошларимда.
Тик қоялар қоям деди,
Қоромомо бошларимда.
Онажоним кўпдан шунда,
Бойлиги мўл, эмас дирдай.

⁵ Ҳасан ака – Боботоғ жамоа хўжалигининг собиқ раиси.

⁶ Қана – қани маъносида.

Ўткир⁷, –деди, –Боботоғнинг
 Қиш ҳам ёзи – йили бирдай.
 Баҳодир⁸ ҳам Равшан мағрур,
 Равоч, харрон, қирлар қати.
 Қумурсқа, қуш, тупроқ, сув ҳам
 Боботоғнинг салтанати.
 Бисмил, Чагам⁹ анча пастда
 Аримижоз қалдирғочлар¹⁰.
 Шар-шарбулоқ, Жийдабулоқ¹¹
 Чолоб тутган чилвирсочлар.
 Қоромомо баландликда,
 Тепалардай ўйга толдим.
 Қирдан пастда Кофирниҳон,
 Оқмачит¹² да бир кеч қолдим.
 Кун чиқарда Тошбулоқтор¹³,
 Унинг менга даҳли йўқ.
 Ўнг томонда арчали тор,

⁷ Ўткир – Ў.Холмирзаев, Сурхондарё вилоят пахта тайёрлов идораси ходимларидан бири.

⁸ Баҳодир – Б.Розиқов, Тошкент вилояти, Бекобод туманида яшайди.

⁹ Чагам – Боботоғдаги қишлоқ.

¹⁰ Чагам қишлоғида инига асаларилардай кириб чиқиб учишаётган дала қалдирғочларига ишора.

¹¹ Шар-шарбулоқ, Жийдабулоқ – Боботоғдаги қишлоқлар.

¹² Оқмачит – Боботоғдан нари, Кофирниҳон дарёси бўйида жойлашган қишлоқ номи.

¹³ Тошбулоқтор – Кофирниҳон соҳилидаги Тожикистонга тегишли Қоромомодан кўзга ташланадиган тор.

Писта, бодом мағзи тўқ.
Кўм-кўк гиёҳ сочдай қалин,
Гул нозидан кўзим тўймас.
Ҳақиқатдан сўзламасам,
Қоромомо мени қўймас.

V

Шошма, йигит, Ҳазратбобо¹⁴
Дашном кўчди, паналардан.
Жавоб бердим, боболар кўп
Бари бунёд оналардан.
Кошки эди боболардай
Она учун гуллар терсак.
Она учун «Она!» дея
Исталганда жонни берсак.
Оналарни қоятошдай
Қалқоним бор деса, бизда.
Инсоф бўлса, оқибат, ор
Она деган ўғил-қизда.
Йирғамасдим ёш боладай
Совуқ тошдан нажот кутиб.
Чопмас эдим Гоургонда
Топганимни морга тутиб.
Қуш адашган бузуқ ғузда
Пистадан гап очмас эдим.
Минг азобда йиққанимни
Морга ташлаб қочмас эдим.

¹⁴ Ҳазратбобо – Боботов чўққиларидан биридаги зиёратгоҳ.

Қўрқмасликнинг иложи йўқ,
Қадамда мор, тошдай қотдим.
Рангим учиб ҳаяжондан
Жон ҳовучлаб терга ботдим.
Хайрият ҳам пешонамни
Ҳаёт қўли силагандай.
Тошқўққидан Ҳазратбобо
Менга оқ йўл тилагандай.
Қоя мисол кучга тўлдим,
Қоромомо кулиб қўйди.
Балки тоза ниятимни
Кўзларимдан билиб қўйди.

VI

Қоромомо қиёфа, ранги
Қумғонидан бирозгина оқ.
Лекин қалби гўзал ҳаётга,
Ёрни кутган кўздан ҳам чанқоқ.
Қўли очиқ, кўнгли ҳам очиқ
Тинчлик бермас қозону тосга.
Чайласидан аримас меҳмон,
Гард юқтирмас пўстак, палосга.
Тепаликда ёлғиз яшади.
Пасткашлардан ўзини тортиб.
Керагида кўчди юксакка.
Қоплонига кўчини ортиб.
Лекин ҳеч ким сезмади уни,
Жойдан-жойга кўчганини ҳам.
Ер юзидан изласанг, ҳозир
Қоромомо топилмайди, кам.
Ер устидан тополмайсиз, йўқ

Зувалам деб қон бўлди, момо.
Чўлаганга муздай чолоб, сув,
Ютоққанга нон бўлди, момо.
Йўловчига оппоқ йўл бўлди,
Қоромомо менинг қошимда.
Тоғдай-тоғдай тошларга томди
Қоромомо аччиқ ёшимда.
Юрагимда кўзмунчоқ мисол
Рўпарамда кулиб турибди.
Беш кун кейин бўлажак ишни
Беш кун аввал билиб турибди.
Кўзи билан қалбни қитиқлаб
Тоғу тошни кулдиради у.
Ажалидан шайтону қўрсни
Беш кун аввал ўлдиради у.
Пасткашликдан оғиз очмайди
Юраксизга журъат, орадир.
Қоромомо кўпдан кўпларга
Ҳайрат, ишонч, кулба, қорадир.
Довдир дунё қиёфанг қизик
Рўпарангда тоғдай тик турдим.
Қоромомо юрагида мен,
Орияту оқликни кўрдим.

VII

Қояларда кенгликдай турдим
Кўтарганча ҳақиқат сени.
Рўпарамда сирдош Гоургон,
Кафтдай таниш бўйи ҳам эни.
Гоургони – ўрда, илонлар
Қурбақадай қайнаб турибди.

Кичиклари катталарининг
Елкасида ўйнаб турибди.
Гала-гала, турли ранг чумчуқ
Бозорини тонгдан бошлади.
Қай бирлари ўзидан-ўзи
Мор оғзига калма ташлади.
Сичқон, қуён, кўрмадим оҳу,
Қоплон, арслон дастидан тутдим.
Илонларнинг ҳалқасида мен
Яратгандан тасалли кутдим.
Гоургонда ширин булоқ, сув
Камаймайди, кўпаймайди ҳам.
Лекин унга на каклик, оҳу,
Ё қаршиқул босоғмас қадам.
Фақат қоплон, айғир от тамом,
Гоҳо кимдир қишлоқ ўрнидан
Тимирскилар тилла, кумуш, жом.
Гоҳо кимдир беқаров тоқдан
Узум йиғди, йўқотмай изни.
Лекин ҳар гал уларга кўшиб
Аждаҳолар ютди кундузни.
Қоромомо баридан огоҳ
Кўзу қулоқ кўпу камидан.
Қир бошида мўъжаз чайласи
Нафас олар аждар дамидан.
Қоплон унинг мушуги мисол
Мен хатарни қилолмадим даф.
Лекин момо аждархонада
Кўпдан буён қоровулдай гап.
Жами жонзот унга ишонар,
Кўлвар тушмас кўрпачасидан.

Кобра, чаён нажот кутади
Кирпи ухлар кампир сасидан.
Аждарҳолар қақшар кампирсиз,
Уни излар тоғнинг тошидан.
Чайласига келганда кампир
Ун сочади аждар бошидан.
Баданини силайди морнинг
Кокилидан бирма-бир тортиб.
Меҳмонини уйдан қувлайди
Елкасига гулзорни ортиб.
Пичирлайди улар изидан,
Боргин, дейди, сенинг кулбанг гор.
Қайда юрсанг юргину, лекин
Одамларга бермагин озор.
Илонлар кўп, тури, тусини
Адо қилиб бўлмайди айтиб.
Лекин бари Қоромомодан
Дуо олиб кетгайлар қайтиб.
Кузатдим кўп, табиат қизиқ,
Кетган илон ортга қайтмади.
Гоургонда билдим, бирон зот –
Бирон зотга исмин айтмади.
Ажабландим, армоним авжда
Сиқилгандай томиримда қон.
Бўғзимдан отилди кўкка
Она Сиздан миннатдор жаҳон.
Тошбулоқтоғ, Кофарниҳон тинч,
Боботорта мармар тонг отди.
Қоромомо, чайла, ёзганим
Гоургон ҳам тошдай тошқотди.

VIII

Тушгим келмас новвот қоядан
Тош сонидан менинг ишим кўп.
Ривоятлар кетма-кет, қатор,
Ёзгим келди, лекин тушим кўп.
Кўрганларим этади, ҳозир
Унутмайман рўён¹⁵ тотини.
Гоургонга келтирди бугун
Назар ўғли¹⁶ айғир отини.
Улар икков, отлари учта,
Арпадан зўр Гоургонда ўт.
Бироқ ёзда нигоҳ ташлашга
Гоургондан чўчийди булут.
Гоургонда фақат ва фақат
Анзиратдай сув билан тупроқ.
Қоромомо овоз бергандай:
Кўрқмасликнинг фойдаси кўпроқ.
Улар шунда тунамоқчилар,
Отлар кетди, ўз ҳовонида.
Учта айғир кетди, ичкари
Пўлат тақа, тош товонида.
Гоургон кенг, қамов, бир эшик,
Отлар-ку от, сиртга у жойдан
Топмас одам, лоақал тешик.
Қиялар кўп, баланд, бегиёҳ
Тақир бошлар яхшироқ ундан.

¹⁵ Рўён – ўсимлик тури, буйракнинг тошини туширишда фойдаланилади.

¹⁶ Назар ўғли – Оқмачитлик Қурбонниёз чавандоз.

Қиялатиб гектар-гектарлаб
 Ясалгандай қирлар кукундан.
 Тун бошланди, Гоургон туни
 Милтиқларга ўқини зичлаб.
 Назар ўрли Бобоқул¹⁷ икков
 Тонгни кутди, юрак ҳовучлаб.
 Оҳ, уҳ, ҳуштак, шатир-шутур, уф,
 Қамиш, токзор қайтиб бўлмайди.
 Гоургоннинг нотинч тунини
 Юраксизга айтиб бўлмайди.
 Юрагимни ражиди сўроқ,
 Отлар ҳоли не кечар бунда?!
 Илон, аждар, қоплону қуртлар,
 Нималар йўқ патта, юлғунда.
 Қоромомо келди кўмакка,
 Аждарларга кафилман дея.
 Белга дармон деди-да она,
 Тутди менга бир ҳовуч чия¹⁸.
 Тутён¹⁹ дан кўзим очилди,
 Кўз олдимда юз берди ҳолат.
 Гоургонда қадамларини
 Кериб-кериб ташлар экан от.
 Энг муҳими, тун-кун, бедорлик
 Отда ишонч тутқазар экан.
 Хавф-хатар ҳам ўлимдан отни

¹⁷ Бобоқул – Боботов жамоа хўжалиги фермерларидан бири.

¹⁸ Чия – дарахтнинг қизил-қизил майда меваси.

¹⁹ Тутён – доривор ўсимлик, кўзга тушган оқ пардани йўқотади.

Зийраклиги қутқазар экан.
Тафсилотдан тўймас одамлар
Қоя, қирда сергак турингиз.
Қоромомо васияти шу
Айрир отга ҳайкал қурингиз.

IX

Қўлда қалам, кайфиятим йўқ,
Кушанда сув, кимники олов.
Билсам, дўстга етти ёт ҳам дўст
Ким учундир оддий айри ёв.
Гоургонда мор билан қоплон
Ваҳим бўлди, кўрк бўлди тоққа.
Не бўлди-ю қоплон илинди,
Писта шожи – оддий тузоққа.
Орқа оёқ қолди айрида,
Уч оёқ ҳам гавдаси ларзон.
Боши ердан баланд шунчалар
Ҳимосизнинг ажали арзон.
Тўрт кун қолди қоплон осилиб,
Вужудида қон йирлади, қон.
Гоургоннинг пиридай унга
Қоромомо бағишлади жон.
Қоромомо келди нажоткор
Кенг Гоургон унга хонадай.
Қоплонни у олди кўтариб,
Ерга қўйди, кейин онадай.
Ҳовучида сув берди унга,
Кафти билан силади бошин.
Ёши билан қоплон кўзига
Юрагининг қуйди оташин.

Ва ниҳоят қоплонга она
Ўйна, ўрчи, қайрилма, деди.
Тирик зотнинг табиати бир,
Дўстларингдан айрилма, деди.
Шу-шу бўлди, кўрдим неча йил
Маржон-маржон тўкиб ёшини.
Жавлик қоплон Қоромомонинг
Оёғидан олмас бошини.
Қавми қоплон кўпдан кўпайиб,
Йиллар-йиллар ўтгани сари.
Гоургон ҳам Қоромомонинг
Чайласидан кетмади нари.

Ж

Табиатнинг қонуни талай,
Зумда очгай рофил кўзини.
Қайда бўлсин, мавжуд тирик жон
Олиб қочгай зўрдан ўзини.
Қанча чопма, қилма ҳаракат,
Этак кичик, қуёш ёпилмас.
Гоургондан йиллар изласанг,
Қаршиқулдан асар топилмас.
Лекин мурча, жайра, кирпи ҳам
Тарк этмайди ину онини.
Чумчуқ, бургут, қоплону бўри
Насли учун бергай жонини.
Эшитдим кўп баланд-баланддан
Зор қақшаган юрак ноласин.
Заркамар²⁰ дан эшакли чўпон,

²⁰ Заркамар – Боботоғдаги жой номи.

Тутиб кетди бўри боласин.
Кучукча у кўзи очилган
Адашган ҳам кундай, тоқ эди.
Уни тутган чўпон ноаниқ,
Эшагининг туси оқ эди.
Боласидан айрилди бури,
Қирдан-қирда нолалар тортди.
Бир кечада Боботоғдаги
Оқ эшаклар кунин кўрсатди.
Оқ эшаклар қолмади, бироқ
Бўри бўлди қаҳрабо, сомон.
Қоромомо қошида қўш²¹ нинг
Оқ эшаги ҳозирча омон.
Омонлиги Қоромомодан
Қоплон пойлар тун-кун онани.
Дунё мавжуд, она бор экан
Бузолмайди ҳеч ким хонани!
Она эди, дилхун бўри ҳам
Қоплон, алқар – хулоса йирик.
Ростин айтсам, она туфайли
Ер устида эшаклар тирик.
Ёнимга кел, дўстим, баланддан
Мени билан ҳаётга боқчи.
Эртан тонгдан Қоромомомиз
Тирик зотни бирлаштирмоқчи.

XI

Бир имодан емжўр отлардай
Даралардан дарада елдим.

²¹ Қўш – сурув қўйлар ётадиган жой.

Қоплон, бўри, аждар, ит тенгги
Қоромомо қошига келдим.
Ўша чайла, ўша тепалик
Ҳамма жон, зот чанг мисол чўкди.
Қоромомо фарзандларига
Юрагини пистадай тўкди:
Қошимдаги қош ҳам кўзларим
Зуваладош-она, тоғадир.
Бугун тушда осмон, оқ булут
Ёмғир, кейин жала ёғадир.
Сел бўлади, кўрилмаган сел
Кўзнинг ёши сойлардай сизиб.
Тепалиқдан тентак сув мени
Пастликларга кетар оқизиб.
Мен ўламан, торда тошдай кўп
Ҳар юракка оқибат тўлсин.
Ишончим бор, фақат сизлардан
Қабру лошим чайламда бўлсин...
Ёз чилласи, юкни оқ булут
Ёмғиру дўл дўнглари уйди.
Сел оқизди, онани ҳаёт
Бирлашганлар чайлага қўйди.
Кеча қайтдим, Қоромомодан
Қумқорғоздай қовжиради лаб.
Муздай чолоб, нондай оқибат
Ўлмаганга инсоф елкалаб.
Қирдан-қирда ҳаёт рostaкам
Арғимчоқдай эшилиб кетдим.
Қишлоқлар, сўнг катта шаҳарлар
Одамларга қўшилиб кетдим.

Қишлоқлар ҳам худди шаҳардай
Хонадонда саришта аёл.
Қоромомо энг баланд қирда
Боботорда фаришта аёл,
Курашларнинг киндиги ҳаёт,
Кимда эрмак, кимларда ўйин.
Тирик зотни бешта бармоқдай
Бирлаштирмақ, синамоқ қийин.
Тирикликда мавжуд эҳтиёж
Ҳаракатдан ўнган, ўсади.
Кимлар кундай очади қучоқ,
Кимлар йўлни тирдай тўсади.
Ирода – сув, бардошдан тупроқ,
Ўсимлигу жами жондор жам.
Одам қалби армон уяси,
Тордай ташвиш чумолида ҳам.
Қушлар кўзи донни излайди,
Қаршиқулнинг оғзи кўпдан қон.
Жар лабида безовта бургут,
Ўлжасини пойлайди қоплон.
Боботорда ҳаёт қошу кўз,
Тирик билан ўлим ораси.
Қочганнинг ҳам, қувганларнинг ҳам
Қоромомо илинж, қораси.
Марду номард ўтдилар шундан,
Ором бўлди чайла, сояси.
Қоромомо оқлик тилади:
Ҳам кўрмасин жонзот боласи.
Йўловчига йўлдош нону сув,
Кўлик, писта, бодом, хуржун, қоп.

Одамлардан кетмасин нари
Оқибату уят ҳам инсоф.
Ҳар юракда малоҳат, қирдай
Юракларда эзгулик кулсин.
Боботордан кетмасин қуёш,
Еру осмон гулга кўмилсин.
Бўялмаган хандон писталаб
Интиғини интизор кутсин.
Қоромомо чайласи қирдай
Оналарга қуёшни тутсин.

КҮНДАЛАНГҮЛ¹

*Емон феълдан тоғ ҳам алар интиқам
Абулқосим Фирдавсий*

Тоққа шошдим, одамлар,
Қошу кўзга қўнди чанг.
Рўпарамдан чиқди йўл
Қаттиқ, қадим, кўндаланг.
Отам ўргатганидай
Тилга олдим пиримни.
Шунда, деди, менга йўл
Яширмайман сиримни:
— Одам эдим, мен сендай
Илму жунар олганман.
Тоққа шошиб ноилож
Аросатда қолганман.
Тоққа шошган эй, одам,
Сенга мендан баёнот.
Боботорда ўйлаб кўр,
Жазолангай хиёнот.
Не истасанг у тоғда
Муродингга етасан.
Яқинлашса нопоклик,
Зовдан учиб кетасан.
Инсон ўғли, интилама,
Илтижомга қулоқ сол.
Қайроқ тошдай мен билан
Кучоқлашиб қола қол.

¹ Кўндалангйўл – Боботордаги йўллардан бири.

I

Қилчилвирдай узун йўл,
Унутмадим пиримни.
Галим келди, сен эшит,
Юракдаги сиримни:
— Донога панд ортиқча,
Ҳалолликка упаман.
Сендан ўтиб шу тоғнинг
Тошигача ўпаман.
Тоғнинг равоч, кўк ўти
Ўсма бўлмай қошимда.
Кучим келса, тоғни мен
Кўтаргайман бошимда.
Боботоғда онамнинг
Жисми, жони сўкилган.
Акамнинг ҳам шу тоғда
Киндик қони тўкилган.
Опалар ҳам шу тоғда
Из қолдирган оёғи.
Қўй ҳайдаган отамнинг
Тоғдан заранг таёғи.
Отам севган табиат
Оҳу, архар, какликни.
Инсоф билан айтганда,
Мендан ўрган покликни.
Виждон, вафо, андиша
Етти пуштимга хосдир.
Боботоғ ҳам тангилик
Менга бобомеросдир.
Ғафлат қучган қадим йўл,
Беҳуш ётма, тура қол.

Бизга мушгоқ Боботор,
Менинг билан юра қол.
Менинг билан сарбон кўп,
Сафар тўнин кийишди.
Менга сени ўшалар
«Ўғри йўли» дейишди.
Дашном бердим уларга:
— Ўтган дам ўтиб кетди.
Эгри, бузуқ замонлар
Бизларни кутиб кетди.
Ҳар юмушда меъёр бор,
Оқламайман мен сени.
Юрагимга ўт солди,
Мустақиллик эпкини.
Сени ўтда ёқаман,
Тозалайман пўлатдай.
Сенда губор қолмайди,
Изи ўчган ўлатдай.
Кўндалангйўл ғайирга,
Омад кулиб боқмагай.
Кўкси куюк бандага
Ишқибозлик ёқмагай.
Ишқим тушди Сенга, мен
Қуёш мисол қайтаман.
Зиё сочиб оламга,
Шу гапларни айтаман:
— Кўндалангйўл, балки Сен
Бекнинг танноз қизисан.
Ким бўлсанг ҳам азалдан
Оёқнинг сен изисан.
Оёқ изи – фурсатлар

Лаҳза кетди, қайтмади.
Ҳаёт билан қадим йўл
Ўтмишидан айтмади.
Зеҳни борга зигзаг йўл,
Заҳмат уни ёпади.
Юксакларга талпинган
Улуғ Ишқни топади.
Менинг ишқим чўққида
Қўлим кўкка етади.
Ишқим дунё мен учун
Боботогим етади.
Боботог бир баҳона
Ишқни сочдай ўради.
Чўққиларга чиққан зот
Кенгликларни кўради.

II

Иложим йўқ, эй одам,
Сенсиз қайга қайтаман.
Боботорда ҳикмат кўп,
Биттасини айтаман:
— Ерда одам, йўллар кўп,
Ришта чатишиб кетган.
Қай амалдор девона,
Онасини унутган.
Мулласида иймон йўқ,
Жаннатдан гап сотади.
Қайси бири хиловатда,
Тўмса² га гап отади.

² Тўмса – тугмайдиган ёш аёл маъносида.

Эшон, қози – эт, тирноқ,
Меҳнатчида хирмон ғам.
Отлиқлари елвизак,
Отсизида давлат кам.
Чақимчиси чўталчи,
Зиндонбони тик туриб.
Кир кўрмаган тирноқдан
Олар жонни суғириб.
Йигитининг қай бири
Улфатталаб бангидир.
Лекин улар пўлатнинг
Вақтинчалик зангидир.
Куни кеча Мулла Нор
Боботоққа йўл олди.
Мендан ўтди, мачитнинг
Маблағига чанг солди.
Боботорда Мулла Нор
Аввал ҳам бўлган эди.
Ҳовлиси равоч, писта,
Ўтинга тўлган эди.
Лекин бу гал Мулла Нор
Иймонга шак келтирди.
Ҳеч вақо билмагандай
Эшагига ўлтирди.
Лайлакхона³ пастликда
Эшаги йўл бошлади.
Ёз чилласи, оқ булут
Ёмғир ҳам дўл ташлади.
Ёмғир суви дўнглари

³ Лайлакхона – қишлоқнинг номи.

Ўпқондай ўйди-кетди.
Мулла Норнинг кўзлари
Лойқадан тўйди-кетди.
Мулла Нор селоба⁴ дай
Сойликда қолди-кетди.
Эшак билан юкни сел
Пастликка олди-кетди.
Қанча йилқи, қорамол
Одам, кўй кетди-қолди.
Кўз очиб юмгунча сув
Қишлоққа етди-олди.
Сувда қолди тинч қишлоқ,
Мулла Лайлакхонадан.
Ғафлат, кимлар яланғоч
Турилгандай онадан.
Пасту баланд лойқа, сув
Уйларни уриб йикди.
Хўлу қуруқ барини
Сурхонга тўплаб тикди.
Деҳқон деди «кўргулик»,
Зиёлилар деди «миф».
Чўпон-чўлик «оқ булут»,
Раис деди «тасодиф».
Кимдир деди «текинхўр»
Ўғирига шу танда.
Кимдир, деди, Мулла Нор
Ўлди-кетди шарманда.

⁴ Селоба – дарёлар тошганда оқиб келадиган да-
рахтлар илдизи.

Лекин хамум⁵, Боботор
Ва ундаги мачит ҳам...
Қирлардан қайтди садо:
Ҳаромхўрга жазо кам.

III

.....
Ўйланмаган, ўйин-табиат
Ёз, чилла, сел сухандон кулди.
Халойиқ тинч, зиён-заҳмат йўқ,
Боботорда бир эшак ўлди...

IV

Хўрсингандай бўлди йўл
Менга нигоҳ ташлади:
Мен ҳам унга тикилдим,
Қайтадан гап бошлади:
— Давлатимиз бақувват,
Баҳолашдан холисман.
Ҳақиқатга қўз ҳам қош,
Сиёсатдан олисман.
Бизда равза-юрт обод,
Бошимизда ота бор.
Адолатли ҳам синчков
Боботордай баланд ор.
Қуёш қадар одилу
Иймондан ҳам мустаҳкам.
Бундай зотни Ер юзи

⁵ Хамум – индамас, тинч, жойида.

Кам кўрган, ҳатто Ҳотам.
Лайлакхона, элни деб
Катта ишлар бошланди.
Ёғоч, цемент, шағал, гишт
Пуллар тўкиб ташланди.
Пул юракнинг қонидан
Жигар, дейди, ким уни.
Оддий, лекин қорозча
Зариф унинг мафтуни.
Пул гўё бир ёсуман
Фурсатини кутгувчи.
Адашганни ямламай
Аждаҳодай ютгувчи.
Гоургонсиз шундай ҳол
Зариф пулнинг қошида.
Бошлиқ бармоқ ўқтади,
Раҳбар касса бошида.
Катта қороз устида
Отларни ўйнатдилар.
Ва ниҳоят Зарифнинг
Шўрини қайнатдилар.
Бири деди, милён сўм,
Зариф кўзи ўйилди.
Яна, яна... Зарифжон
Қорозга қўл қўйилди.
Чуқур ўйлаб, боқдим мен
Касса мисли Гоургон.
Танга, сўмлар илондай
Заҳарланди қанча жон.
Заҳарланган юракнинг
Ҳар лаҳзаси хавф-хатар.

Бозор, Омбор, Банк, Касса
Гоургондан минг баттар...
Мақтов зарбдан Зарифжон
Гоургонни кезмади.
Милён, милён пул, имзо
Оқибатин сезмади.

V

Боботовдан бахт топган
Кўплар муқим, ким дайди.
Изоҳларга ўрин йўқ,
Дўхтирга иш кўпайди.
Одам дўхтир, мол дўхтир,
Баҳона топишдилар.
Одам бўлсин, мол бўлсин,
Мурдага ёпишдилар.
Бири «сирға» тўплади,
Бири пустига ишқивоз.
Бу майдонда наф учун
Жон бермаган жондан оз.
Ўйламаймиз биз баъзан
Қусур гапнинг ростида.
Ким билади, ким билмас
Азоб оёқ остида.
Бозор кўрган кўп, хушёр
Ёнроқни чақиб олди.
Қайси бири «шақ-шақ»⁶ дай
Гирдига боқиб олди.
Мулла Норнинг борини

⁶ «Шақ-шақ» — Зағизжон

«Патанат»⁷ ... қоқиб олди.
Ундан тилла соатни
Зарифжон тақиб олди.
Мулла Нор, нордай кетди
Лекин Зариф дорланди.
Имзо, соат, манманлик
Боботокқа борланди.
Ҳазрат бобо, тоғ, мачит
Гилам, соат – хунини.
Хиёнатчи Зарифнинг
Кўрсатдилар кунини.
Менга деди, қадим йўл:
— Нетай забон, қўлим йўқ,
Кўпу камдан огоҳман,
Ҳалол бўлсанг ўлим йўқ.

VI

Тотган, ботмон баравар
Юлрич нишони янги.
Термиз... зиндонда Зариф
Қўлда кишани янги.
Ширахўрлар Шўрчада
Даврада ўлтиради.
–Зарифга тергов эртан
Деновга келтиради.
–Ширахўр ким? Ҳаётда
Улар учун нисбат йўқ.
Фош қилмоққа уларни

⁷ «Патанат» — мурда ўлимнинг сабабини текширувчи дўхтир

Имзо, гувоҳ, исбот йўқ.
Бозор кўрган ўшалар
Тешикка пул тиқади.
Улар сариқ печакдай
Юлсанг қайта чиқади.
Гап ортиқча, ким пулсиз,
Туяда ит қопади.
Зиндонда ҳам пулни пул
Қийналмасдан топади.
Зиндонлардан зиндонга
Даллол қармоқ отади.
Кенг кўчада кундузи
Ҳақни пулга сотади.
Сотилмайди адолат
Ўлмаган қул кўради.
Боботор бор, ҳар кимса
Экканини ўради.
Экди, ўрди Зарифжон
Йигирма уч ёшида.
Қамоқ деган гап бўлди,
Кўргулик кўп бошида.
Тушунганга Боботор
Ҳамма сирни айтади.
Зариф жони чиқмаса,
Ўттиз бешда қайтади.
Зариф кетди изидан
Пулдорлар кулиб қолди.
Уч қизалоқ ва Санам
Сочини юлиб қолди.
Култепада шов-шув гап
Шамол мисол гап дайди:

— Камалганнинг қарзи кўп,
Ота ишлаб тўлайди.
Тани бошқа дард билмас,
Соғлиқдан суюн экан.
Ўғил юзга кирса ҳам
Отага қийин экан.

VII

Кўлвор келбат қадим йўл,
Қиссанг аччиқ қамчидир.
Огоҳларинг уммондан
Арзимас, бир томчидир.
Ростин айтсам рўшнолик
Сени тоққа бошладим.
Юрагимни дебодай
Тоғ кўксига ташладим.
Жоним, дедим, тоғу тош
Каклик қалбин тирлади.
Танадаги жами йўл
Оёғимда йиғлади.
Мендан кулманг элу юрт,
Хунарсизнинг ҳоли танг.
Уқувсизда омад йўқ,
Кўрган йўли – кўндаланг.

VIII

Йўл йўлдошдан кам эмас,
Йўловчи, хаёлда йўл.
Дўзах, жаннат – оила
Ҳазрати аёлда йўл.
Ойга кўнди у кема,

Муштарий кўзида йўл.
Қурилма⁸ балки амал
Кўкатнинг ўзида йўл.
Йўл кетарсан мен билан
Сенда ортиқ чора йўқ.
Боботоққа тирноқдош
Сендан менинг кўнглим тўқ.
Туғилгандан одамзот
Кўрдим кекса, ёшгача.
Қинғир-қийшиқ кўчадан
Меҳнат йўли бошқача.
Қайга кетсам, шерик йўл,
Қадимман, деб керилма.
Сени кўкка кўтарсам
Манманликка берилма!
Йўлда бўри, қуш, балиқ
Илинж менда наводир.
Оғир дамдан оғир куй
Ҳар мушкулга даводир.
Қўшиқ мисол қушларнинг
Баланд бўлсин парвози.
Дарё, сойда балиқ ҳам
Дарада оқу нози.
Боботоғда ўт-ўлан,
Арча, заранг, пистазор.
Малоҳатдан ҳар дида
Боқибс номус ҳам ор.
Ору боор ажралмас,

⁸ Курилма — чиқиндиларни аввалги ҳолига қайтарадиган ускуна

Эту тирноқ сийрат, сон.
Томиру пай одамда
Йўллар йўлдай суяк, қон.
Коинотда йўллар кўп,
Олам, чеҳранг чангадир.
Йил юки, ҳам йўл юки,
Энг ёпишқоқ зангадир.
Зангнинг чоки чексиз йўл,
Сочдай қалин, тархи йўқ.
Инсон Сенсиз замин шўр,
Аччиқтошдан фарқи йўқ.
Йўллар муродхонадир,
Ғафлатни қувиб кетдим.
Кўзимнинг ёши билан.
Йўлларни ювиб кетдим.
Табиатда бир қонун
Тулки бўлмас фил, паланг.
Тилаганим тирик зот,
Йўл кўрмасин кўндаланг.
Кўндаланг йўл сенсиз ҳам
Ёй ўқидай онда тан.
Сон-сонидан йўллар кўп,
Ном қўйишга ожизман.
Ҳаром-ҳариш йўл улар,
Боботоққа бегона.
Шайтон йўли бешак кўп,
Раҳмон йўли ягона.
Коинотдан у қадим
Дунё шундан жўшадир.
Тоққа муштоқ одамлар,
Менинг йўлим ўшадир.

Узун ташланг арқонни,
Қилчилвирнинг учи йўл.
Туташ йўлдай тўр матоқ,
Атом, уран кучи йўл.
Илоҳий йўл азалдан,
Ихлос унинг нақшидир.
Кексариш бор, ёшлиқдан
Кўнгила йўли яқшидир.
Севги йўли қадимдан
Ҳар юракда қурилар.
Муҳаббатнинг сўқмоғи
Садоқатга бурилар.
Вафо йўли курашдан
Шайтон четга қочади.
Иноқ, тўкин – оила
Жаннатга йўл очади.
Тупроқ, ҳаво, сувда йўл
Жисмим йўллар чигали.
Туман⁹ йўлдан сўзлагай,
Юрак ҳам келса гали.
Тонг ҳам, сулув сабо ҳам,
Дарё, сой хитоби йўл.
Шиор, байроқ, қороз ё,
«Авесто» китоби йўл.
Бир бурғойда минглаб йўл,
Чигит серйўл хонадир.
Тирик ҳар зот йўмининг
Ижодкори онадир.
Кўзим юмсам нуқтадай,
Йўллар сўнгги тупроқдир.
Йўл деганинг сувдан ҳам

⁹ Туман — минг

Қуруқликда кўпроқдир.
Йўллар десанг ўргимчак,
Қора қурт ҳам қўшилгай.
Сув ўти ва чиганок,
Пилла қурти эшилгай.
Йўлдан айтсанг дунёлар
Нафасингни туяди.
Сомон йўли чўққидай
Кифтингга бош қўяди.
Йўлдай муштоқ Боботоғ,
Қайроқтош ҳам йўлдан тўқ.
Тоғу тошда ҳалоллик,
Қинрирликка қадим ўқ.
Рўпарамда Боботоғ
Чорлагандай дўнг, яланг.
Эгриликка бу тоғнинг
Ҳар қадами кўндаланг.
Тоққа шошган одамлар
Йўлларда Сиздай тошдим.
Қалбим кучи Боботоғ
Қирлардан қушдай ошдим.
Рўпарамда кенг дунё,
Одамлар, Сизни кутдим.
Нур йўлидан йўллар кўп,
Дам, уйқуни унутдим.
Тўғри бўлсанг йўл яқин,
Эгри иши нурашдир.
Тирик ёхуд нотирик,
Ҳаёт кескин курашдир.
Боботоғдай ҳар юрак
Заминдай аъзо бўлсин.
Коинот ҳам, одам, йўл
Иймондай тоза бўлсин!

КЎЗДАГИ ҚИЁФА

*Кўзум чиқсин сени
кўргунча мундоқ
Алишер Навоий*

Олиб қочма кўзингни,
Сенга қайтиб бераман.
Кўпдан пинҳон дардингни
Элга айтиб бераман.
Элимга эш ҳаёт, йўл,
Табиатдан ибрат ол.
Гумроҳликнинг касри вой,
Оқибатдан огоҳ қол.
Қиёфа зод, ботинни
Кўзингдан билиб қўйдим.
Иллат, зардоб, қалбингни
Мужгонга илиб қўйдим.
Иймони суст, мен Сени
Авайладим, суюн кўп.
Ачинаман ким тўкин,
Кўзи ўйноқ, қуюн кўп.
Ўйноқ, бўртик кўзингдан
Кимдир ҳушёр, ким хафа.
Юрак мулки жавҳардир,
Чиғаноғи қиёфа.
Қиёфа сенда сувдай
Жавлик кузатиб бўлмас.
Музда қолган чечакни
Қайта тузатиб бўлмас.

I

Дала пири - деҳқонлар
 Ерга уруғ сочмасдан.
 Шабнам ўпган ғунчалар
 Кунга дудоқ очмасдан.
 Санам, мумдан қорасан,
 Табиб излаб борасан.
 Юртда фолбин, табиб кўп,
 Кўпи келиб, қайтдилар.
 Маҳкам тутдинг зўрини,
 Бадратор деб айтдилар.
 Санам бахти қорасан,
 Шифо излаб борасан.
 Табиб, фолбин, «бадандеш»
 Сендан алам ҳаволар.
 Шивирладинг: — малҳам йўқ,
 Тупроқ мени даволар...
 Санам, бахти қорасан,
 Чора сўраб борасан.
 Тошдай қаттиқ тупроқ жим,
 Мужгон билан туртдинг, сен.
 Билиб-билмай юрт чангин
 Кўзларингга суртдинг, сен.
 Санам, бахти қорасан,
 Илинж истаб борасан.
 Истак авжи осмонда,
 Рафторинг беқуюшқон.
 На чора бор, на илинж,
 Енгилакнинг бағри қон.
 Санам, бахти қорасан,
 Лаҳат излаб борасан.

Ботик кўздай гунг лаҳат,
Муродини айтмади.
Қафасидан учган қуш
Қайта ортга қайтмади.
Санам, бахти қорасан,
Энди қайга борасан.

II

Мендан яшир кўзингни,
Жилпанглашинг стади.
Сенга кўзи тушганнинг
Уйи куйиб кетади.
Жоним, деган, йигитга
Ҳаёт эмас, хатарсан.
Ғижимланган орият
Хабис¹лардан баттарсан.
Киприк қоқма, мен Сенга
Ғубори йўқ сафومان.
Кўзим сенинг кўзингда,
Мен ўзимдан хафаман.
Номуси бор, ўйлайман:
— Аламдан кулар эди.
Иймони бут, бовиждон
Уятдан ўлар эди.
Сен-чи? Санам, қаршимда
Ёлғон гап отиб қолдинг.
Инсофталаб кўзимда
Без мисол қотиб қолдинг.

¹ Хабис – ёмон, ярамас

III

Менинг опам, синглим талай
Ориятим осмондир менинг.
Қўллар етмас сомон йўлидай
Етти пуштим посбондир менинг.
Мозий огоҳ, башар фарзанди
Тонгдай тоза ҳаёли элим.
«Қонга-қон» деб ғаним бошини
Мешга тикқан Аёлли элим.
Йигитларим йўлбарсдай сергак
Оналарим осмондай бедор.
Отам қўли меҳнатдан қадоқ
Бобомиздан мерос қолмиш ор.
Момомиздан севги, садоқат
Акалардан безавол ўйин.
Мадор маҳкам, дунёлар собит,
Санам сендан сўз очмоқ қийин.
Маккор экан дунёси, Санам
Бирин ортиқ қилди, кам қилди бирин.
Лекин Санам энг аччиқ қисмат
Юрагингда иллат яширин.
Баданингда дебо²дан либос
Терилган қош, киприкларинг ўқ.
Афсусдаман, менинг юртимда
Кўз ўқувчи алломалар йўқ.
Ҳар юмушнинг чўққиси меъёр,
Санам тиринг суякка етди.
Афсусдаман, менинг юртимда

² Дебо – нафис ипак мато.

Чўрткесарлар қирилиб кетди.
Дараларда девонаман мен,
Санам кўзда кўринмас қонун.
Минг йил кулиб, куйганимда ҳам
Эккан билан кўкармайди ун.
Тушқунликдан йироқман, менинг
Кўкрагимдан қочмади қуёш.
Борлиқ менга минг бор сўзлади:
Эс билгандан Санам ғирром тош.
Тошлар талқон унинг ўрнида
Пўлат зумда камон бўларди.
Хижолатдан минг йиллик чинор
Бир кечада сомон бўларди.
Ироданинг ишига қойил
Суюқ, енгил қадамлар хатар.
Тубанликлар уяси юрак
Муздай совуқ, харсангтошдай кар.
Ёнмас эдим қаршингда Санам
Куймас эдим, мен сендан ҳайрон.
Гар бўлмаса сенинг қисматинг
Ёв қийратган қалъадай вайрон.
Ахир, Сен ҳам одам эдинг-ку,
Наҳот шаънинг оқлай олмадинг.
Кўзимдаги кўзмунчоқдай қиз
Фурурингни сақлай олмадинг.
Кошки энди ёлғиз бўлсанг Сен,
Кўзимда ёш, кулмас эдим мен.
Санам, миллат фурури ҳаққи
Ўлмай туриб ўлмас эдим мен.
Ёки бахтдан бенаво зотдай
Эсу ҳушдан озмас эдим мен.

Кечалари кундай ловулаб
Кўз қиссасин ёзмас эдим мен.
Кўклам қучган қирлардай мағрур
Садоқатдан тўяр эдим мен.
Бошимдаги ойнинг ўрнига
Санам, сени кўяр эдим мен.
Ихлос билан Санам бўйнингта
Юлдузларни тақар эдим мен.
Юрагимда ардоқлаб гулдай
Сени ишқда ёқар эдим мен.
Демас эдим, беадад армон
Ишончимни ҳилолдай кемтик.
Етти пуштим бошимда кундай
Келажакка боқар эдим тик.

IV

Дарё, сойдай тўлганиб
Товфиғу тўзим дейман.
Санам, сенда иллат кўп,
Сабаби ўзим дейман.
Кўзда кўзим тошдай хом
Сифат, миқдор ишим йўқ.
Китоб, дафтар сон мингта
Кўз ўқувчи кишим йўқ.
Лекин юрак маъдандай
Киприк билан қазилди.
Ҳаёт асли ўнг ё терс
Улар кўзда ёзилди.
Ботиқ кўзлар соққаси
Уммонга олиб кетди.
Қиёфада кўрганим

Карона³ қолиб кетди.
Киприкларинг учида
Иштиёқ қотиб ётир.
Санам, сенинг иқболинг
Зардобга ботиб ётир.
Товламачи итуруф
Йили баҳор, қиши йўқ.
Чумолидан кўп одам
Меҳнатга ўч киши йўқ...
Чўпонида таёқ йўқ
Итлар кўзи ўйилади.
Сигир, қўйнинг тиши йўқ,
Ёппасига сўйилади.
Боғбон чолнинг жуссаси
Бор бошида соядай.
Кенг даланинг деҳқони
Гул кўрмаган қоядай.
Аҳли аёл қўли банд
Бола нордай бўзлади...
Кўр ҳам, шол ҳам меники
Кўпларга адаш керак.
Бош чайқайман Санам зот
Йигитлар чидаш керак.
Ўйлаб-ўйнаб, ўзимча
Санам дейман, хўп дейман.
Бизнинг юртда сендайнинг
Биттаси ҳам кўп дейман.
Келган дам ўтар, қайтмас
Бамисоли, шошмадай.

³ Карона – қирғоқ, чет, чегара.

Сиртдан тошга тенг вужуд
Юраклар шўх чашмадай.
Оҳанрабо турмушнинг
Болдан ширин сўзи бор.
Ҳаётда мавжуд жоннинг
Вужуди бор, кўзи бор.
Тикланиб ботик кўздан
Зиёдай сузиб ўтдим.
Кўз орқали мен юрак
Қулфини бузиб ўтдим.

V

Кўзимда тугал олам
Унда жонзот бус-бутун.
Ўсимлик, сув, тупрокдай
Айланади ой ҳам кун.
Замин узра сочилган
Дарё-дарё зиёлар.
Инсон қалби кўкдан кенг
Чангда чаман, дунёлар.
Ҳайвон сири сиртида
Табиатда шавқ, хатар.
Қалбдан олдин қошу кўз
Кўздаги юракдан баттар.
Кўзларингдан топганим
Санам, кимга тортиқдир.
Бизлар учун сендайнинг
Биттаси ҳам ортиқдир.
Ўзбегимнинг қизи кўп
Кўнгилни кулдиради.
Қайси бири ноз билан

Йигитни ўлдиреди.
Ўн саккиз минг оламнинг
Улар сийрати, нози.
Лекин қалбда бир меъёр
Иймон, одоб тарози.
Иймон қочса одамнинг
Ҳаёти хатар бўлгай.
Кўз ҳам юзи қонталаш
Мурдадан баттар бўлгай.
Ҳаёт менга кўкарган
Тирноққа ўхшаб кетдинг.
Ўтиш даври юз нуқсон
Вужуддай қақшаб кетдинг.
Менда оғриқ, аламлар
Эту тирноқ, тошларим.
Сизни сўзсиз даволар
Меҳнат, тадбир ёшларим.
Офтоб чиққай бошларга
Чақмоқ бўлгай нигоҳим.
Оҳанг бўлиб, куй бўлиб
Қалбларга кўчгай оҳим.
Нолаларим куч бўлгай,
Қанот бўлгай сўзларим.
Юрагимни яширмас
Чақмоқдайин кўзларим.
Кўнгил тордай ўсади,
Кўкси осмон соғлом тан.
Менга жаҳон, жом бўлгай
Жайхун, Сайхунли Ватан.
Менинг борим сен билан
Сенда қизлар кўпдан шўх.

Йигит зоти бир талай
Кўз ўқувчи мардум йўқ.
Беш қўл... лекин йигит-қиз
Мужгон мисол терилди.
Ёш кекса қалб эмас
Ким ўзарга берилди.
Афсуслардан пишмас ош
Чумоли ҳам кўп ари.
Жами мавжуд, номавжуд
Истаклардан ташқари.
Ҳайвон, қушнинг зўри бор,
Бир-бирига ўхшамас.
Лекин, Санам, бошқача
Фарзандим, деб қақшамас.
Ўйга толган яхшилар
Табиатда йўл, қонун.
Улар қасддан бузилса
Суяклар ҳам бўлмай ун.
Инсон, наҳот борлари
Йўғини сузиб яшар.
Кўпчилиги тартибни
Атайин бузиб яшар.
Наҳот шунча сўқирлик
Йўқдан шайтон кўз очди.
Табиати суст Санам
Фарзандин ташлаб қочди.
Она бўлиш олам бахт
Ношукур зот хор бўлди.
Зурриётдан юз бургач,
Тирноқчага зор бўлди.
Фолбинликка ҳушим йўқ

Кўксимни тилаб қўйдим.
Юрагимнинг борини
Байроқдай илиб қўйдим:
Гуруч курмаксиз бўлмас,
Олов тафти зиёда.
Кўзимда тоғдай ишонч
Яхшилар кўп – пиёда.
Тиланчининг дарди иш
Ташвиш уни йиқади.
Қумдан мўл кўргуликлар
От мингандан чиқади.
Эгизак тўқлик, шўхлик
Ишқ билан ҳирс туну кун.
Кўз қиссаси гар ёлгон
Суякларим бўлсин ун.

VI

Одамлардир тараша, ўйчан
Инжиқ, бири ҳовлиқмароқ таъб.
Қайси бири нурдай покиза,
Қайси бири садоқатталаб.
Қайси бири зарангдай пишиқ,
Нон пишади иссиқ тафтида.
Етти пушти ёдида тасбеҳ,
Ўғил-қизи қаттиқ кафтида.
Яралгандан нотўқис дунё,
Қай бир одам мушукдай дайди.
Қай бир одам оила, уйли,
Бир тўшакда айри яшайди.
Одамлар кўп, тўрт мучаси соғ,
Одамлар бор, қўл-оёғи йўқ.

Турилгандан қисмати азоб
Қай бировнинг танасида ўқ.
Қай бирининг тили бир қулоч
Дили вайрон, жамоа ҳайрон.
Хунари бор, зиёли, ҳушли,
Лекин кўпдан юрак-бағри қон.
Қай бир одам айикдай очкўз,
Эркин эмас, манфаатга қул.
Жигаридан азиздир бойлик,
Отаси ҳам, онаси ҳам пул.
Фойдага ўч, пулпараст Санам
Ориятнинг кўзини ўйди.
Бой зангига бир занжир, ҳайҳот
Вужудини гаровга қўйди.
Бу кўргулик! Кўзларим чиқсин,
Фафлат менинг жонимни олди.
Кўзга қараб ҳайқирдим: Ҳаёт,
Йигитларим қайларда қолди?
Кўзим чиқсин занжирли Санам,
Дор туширди аҳли онага.
Занжир эмас, зурриётини
Ташлаб қочди ахлатхонага.

VII

Йургакланган, Санам ташлаб қочган
Чақалоқни бир ит тишида тишлаб
Югурди, югурди кўчама-кўча
Ахлатдан қутулган жонни олқишлаб.
Чақалоқ чинқирди... тинчиди, итнинг
Сўлаклари шарбатми ё сутмиди?!
Жавоб бергин, менга номард табиат,

Чақалоқнинг онажони итмиди?!
Тиниб-тинчимаган тентак табиат,
Бу кўргулик, айтгин, кимнинг хатоси?!

VII

Икки қўлим ёқамда,
Сендай беўй эмасман.
Бу заминда эй, Санам,
Сени ёлғиз демасман.
Кўкракларда аччиқ ғам,
Ош мисол сузиб бўлмас.
Ҳасрат, алам, юракни
Танадан узиб бўлмас.
Кўз ёшидан фойда йўқ,
Шикоятдан на ҳожат.
Юзинг рангсиз мисли бўз
Тасаллидан йўқ нажот.
Кўзинг туман, гирдибод
Гирёнлардан заб тўйдинг.
Фарзанд ғами шунчалар,
Ўзингни сен еб қўйдинг.
Ёшликнинг шум хатоси
Қалбда барг отиб қолди.
Орзу, армон тош мисол
Кўзингда қотиб қолди.
Ачинаман, Сен, менда
Табассумдан нишон йўқ.
Қўлдан қочган имконни
Қулфламоққа кишан йўқ.
Фақат далда одамлар
Юртни назарга илсин!

Катта-кичик ҳаётда
Ҳар ишни ўйлаб қилсин.

IX

Истиқлолдан юрагим
Дарё мисол тош ҳам ий.
Бу юртда нондай азиз
Неча Мусо, Огаҳий.
Аждодларим шу юртда
Ардоқланди уккилар.
Қушдай танбур садоси
Қалбда «Феруз-2»лар.
Ҳар юракда, ҳар уйда
Суворалар ноласи.
Қўшиқ айтган қорақўз
Ўзбегимнинг боласи.
Ёна-ёна лабда гул
Чанқовуз, чилим⁴ бўлди.
Қисса айтиб қалбдан кўз
Қиёфа илм бўлди.
Ҳар юракнинг зиёси
Кўздан-кўзга кўчишди.
Нур ёнида ғам, иллат
Шамчирокдай ўчишди.
Ой, қуёшли юрт, юрак
Тонглар туман ёпинмас.
Бу Ватаннинг миллати
Ғам, иллатга топинмас.
Юрагимнинг ёғдуси

⁴ Чилим – қушча маъносида.

Юксакни кўзлаётир.
Кўз олдимда шум Санам,
Ўзидан сўзлаётир.

Х

Кўзларда қиёфам қумғондай қайноқ,
Ботиним бенаво бамисоли қор.
Кўнгилга қил сифмас, қийралди қисмат
Пажмурда юрагим эзилди, анор.
Сийму зар қўйнида беҳазон, хорман,
Саломли дунёда саломга зорман.
Ҳаётнинг устунни, дедим, даста пул
Либос, атир, дўсту ёрни бездирдим.
Осмонлардан олма терган хаёлни
Имо билан дунёларни кездирдим.
Сийму зар қўйнида беҳазон, хорман,
Суюкли дунёда севгига зорман.
Афсусдан ош пишмас, қаримас кулфат
Бойликка бандалик ўнгмас хатодир.
Дунёлар дардининг малҳами Она,
Муҳаббат, садоқат рамзи Отадир.
Сийму зар қўйнида беҳазон, хорман,
Отали дунёда отага зорман.
Юришга юзим йўқ, қарашга кўзим,
Дунёни сув мисол айланиб тиндим.
Сулаймон тахти ҳам тилла буюмлар
Ватаннинг гардича эмас тушундим.
Сийму зар қўйнида беҳазон, хорман,
Онали дунёда онага зорман.
Тегирмон тошидай тишалди дунё
Юракни эзади нолаю сўзим.
Бахтини ахлатда қолдирган менман,

Уфқондай ўйилди ҳар икки кўзим.
Сийму зар қўйнида беҳазон, хорман,
Тирноқли дунёда тирноққа зорман!
Оқиб тушди кўзим гавҳари билан
Қилмишимдан замон заха едилар.
Юртнинг боғларида булбуллар нотинч:
Ёр ичида мени буйрак дедилар.
Сийму зар қўйнида беҳазон, хорман,
Зиёли дунёда зиёга зорман.

ХІ

Новвойнинг муштидан қочган хамирдай
Ҳасратингдан пишиб кетдим мен.
Санам, армонингдай авжланиб, ҳайҳот
Бетизгин оловга тушиб кетдим мен.
Қайғу қозонида кўксим қоврилиб
Мерган нигоҳидай қисилди кўзим.
Миям қат-қатида ноилож қишлаб,
Қуш мисол кенгликда силкинди сўзим.
Юлдузлар қошидан зиёдай учиб,
Турна қанотидай очилиб кетдим.
Тириклик боғида тоғ ошган тонгдай
Пасту баландликка сочилиб кетдим.
Кенгликка сочидим, зилол сув, тупроқ
Бировга тўн бўлдим, бировларга енг.
Оламни қалбларга жойладим, бироқ
Оддий қорозчага келолмадим тенг.
Тегирмон тошлардай қатма-қат фалак,
Одамлар илинжи билимда қолди.
Санамни минг қайта қарғадим, лекин
Оддий қорозчалар тилимда қолди.
Чумоли, какликлар кўзида ҳаёт,

Менинг юрагимни ёндиргувчи ноз.
Санам, садоқатга кушанда занжир,
Муҳаббатни минг бор ўлдирди қоғоз.
Муқаддас заминдай мустаҳкам қалъа,
Ишонч қўрғонини емирди қоғоз.
Кўзларнинг ичида очкўз каламуш,
Ҳаёт илдизини кемирди қоғоз.
Фаросат тифида хайрият имкон,
Юртим тепаларин тоғлади қоғоз.
Жаҳон жаннат эмас, беип, безанжир
Одамни одамга боғлади қоғоз.
Санам, ёновингда алдоқчи кулгу
Ресторан, боғларнинг аянчи қоғоз.
Бурчак-бурчакларда ўпишган шайтон
Дўзах дарбандининг таянчи қоғоз.
Номи ўчиб кетсин қийматли қоғоз
Кимни ирқит, кимни суяк, пўст қиади.
Ўғилни отадан айириб хайҳот
Етти ётти етти ётга дўст қиади.
Илондай эшилган дигарларим пул,
Юрак, ўпка, тери, жигарларим пул.
Кўкрагим эзилади, қовурғам синди,
Вужудим зардобдир, лахтаю лахта.
Оддий бир қиёфа, энг оддий сурат
Бурчак-бурчакларда юмуш бошладинг.
Таъмалар дўлида ҳалол ва ҳаром
Қонларни қонларга қўшиб ташлади.
Чолдевор, кулхона, кулдонларим сен,
Чечак ҳам боғу роғ, гулдонларим сен.
Кўрни кўр таниди, бузуқни бузуқ
Қарғалар кўзининг кўзгуси қарға...
Энг нафис либосда бадбуруш дунё

Аввали севинч, сўнг заҳарлар тутди.
Сўлиган олма юз, сомонларим сен,
Яхшидан энг яхши ёмонларим сен.
Йўлбарснинг бошидан тожини юлиб
Чумолига чугурмадай кийдирди...
Энг оддий қороздан бесийрат саҳро
Баланд тоғлар талқон, балки из бўлди...
Шаҳару шоҳ куча, изчаларим сен,
Барчиндай, барчиндай қизчаларим сен.
Дунёни минг қайта қийратди қороз
Кимда эшак, кимда космик кемаси.
Заррадан заргача зирқиради жон,
Ҳофиз ҳам ҳуштагу чанқовуз саси.
Жаҳонга жар солмоқ янгилик эмас
Ғафлат карвонининг ўткинчи изи.
Беш кунлик дунёда бекдай бепарво
Дангаса, дарди йўқ манқурт идизи.
Оломон англамас аламлирим сен,
Саррайган қороз ҳам қаламларим сен.

* * *

Шаштим сингани йўқ, беўйлов Санам -
Бенисбат шабқўрнинг шумшайди они.
Дарёлар дарёдир теккан билан ит
Байроқдай ардоқли миллат иймони.
Ватан ҳам дарвоза, эшиклар улуғ
Алпомиш, Ойбарчин, бешиклар улуғ.
Улуғлар огоҳ, лек алдандинг, Санам,
Маломат тошлари жойларда қолди!
Лекин тушунмадим жавоб бер, Санам,
Санам ориятинг қайларда қолди?!
Қонинг ҳам, жонинг ҳам аросатинг пул,

Мўлжалу ҳаракат фаросатинг пул.
Пул билан қорозга аслиятинг бир,
Лекин пулдан шайтон марлуб, ор қилди.
Меҳнатдан чалғитди шайтонни ҳам пул
Борни булбул, йўқни нонга зор қилди.
Мени ҳам қақшатди пул билан, Санам,
Юкли қўлимдаги бармоқдан озим.
Тарбия ўнгмаса энг аввал она
Сабабин отадан изламоқ лозим.
Оила азалдан юртдан муқаддас,
Сорлом хонадоннинг чироғи ёниқ.
Безовта қалбимнинг имкони ишонч
Аҳмоқдан чақмоқнинг чиқмоғи аниқ.
Пул деганинг беҳис, қийматли қороз
Гоҳо найза, гоҳо қалқон, гоҳо ўқ.
Гоҳо асо, гоҳо кийим, мансаб, тўй,
Гоҳо малҳам, зебо турмуш, ҳаёт тўқ.
Чақилмаган писта, бодом эдинг-ку
Санам, сен ҳам эда одам эдинг-ку!
Кўзларинг ортида беқиёс азоб,
Кўргилик, ўз тўйинг тўйламадинг сен.
Тилла тақинчоғу, занжир ичида
Мени ё миллатни ўйламадинг сен!
Сен йўқсан! Қалбимда безанжир қизлар
Барчаси бахтидан мақтовлар айтди.
Уларни тингладим, авжланган қалбим
Қирларга бош урди, садолар қайтди:
Сени ёзганимдан муродим аниқ,
Сенга куйганимнинг келажаги бор.
Бирники минг учун, мингники аччиқ,
Қисматинг эртага бўлмасин такрор.

МУНДАРИЖА

Қоромомо ҳикматлари	3
Кундалангйўл	24
Кўздаги қиёфа	40

Адабий-бадиий нашр

КЎЗДАГИ ҚИЁФА

Достонлар

Мухаррир **Д.Мингбаева**
Бадиий муҳаррир **Б.Бозоров**
Тех. муҳаррир **Е.Демченко**
Мусаҳҳиҳ **Н.Минаҳмедова**
Саҳифаловчи **Н.Раҳимов**

ИБ № 4130

Босишга ___ .2005 й.да ружсат этилди.

Бичими 70x84 1/32. Босма тобоғи 1,0.

Шартли босма тобоғи 0,875. Адади 500 нусха.

Баҳрси келишилган нарҳда. Буюртма № 13.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида
тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмаҳонасида босилди.

700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.